

Акмалхон АҚМАЛҲОНОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

“МИФТАҲУ-Л-УЛУМ” АСАРИДА ФЕЪЛНИ ШАРТ МАЙЛИДА КЕЛТИРУВЧИ ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР ҲАҚИДА

IN THE WORK OF MIFTAHU-L- ULUM ABOUT AUXILIARY WORDS THAT MAKE A VERB

О ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ СЛОВАХ, ПЕРЕВОДЯЩИЕ ГЛАГОЛ В ПОВЕЛИТЕЛЬНОЕ НАКЛОНЕНИЕ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МИФТАХУ-Л- УЛУМ”

Аннотация: Мазкур мақолада феъл сўз туркумининг морфологик ўзгаришлари баён қилинган. Хусусан, шарт майлида келтирувчи ёрдамчи сўзлар феъл билан келгандаги шахс-сон қўшимчаларининг ўзгаришлари изоҳланган. Шунингдек, шарт майлида келтирувчи ёрдамчи сўзларнинг маъно хусусиятлари ҳам атрофлича ёритилган. Ушбу ёрдамчи сўзларнинг морфологик ва семантик хосликлари Абу Яъқуб Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улул” асари асосида ўрганилган. Саккокийнинг бу борадаги ёндашуви ўзидан олдинги ва кейинги тилишуносларнинг қарашлари билан далилланган.

Калит сўзлар: Саккокий, “Мифтаҳу-л-улул”, феъл, шарт майли, юклама, сарф (морфология), маъно, шахс-сон.

Аннотация: В этой статье описываются морфологические изменения категории глагола. В частности, объясняются изменения суффиксов лица и чисел, когда вспомогательные слова в условном наклонении идут с глаголом. Также подробно освещены семантические особенности вспомогательных слов в условном наклонении. Морфологические и семантические особенности этих вспомогательных слов изучены на материале «Мифтаҳу-л-улул» Абу Якуба Саккоки. Подход Саккоки в этом отношении подтверждается взглядами лингвистов до и после него.

Ключевые слова: Саккоки, «Мифтаҳу-л-улул», глагол, условное наклонение, частица, морфология, значение, лицо-число.

Annotation: This article describes the morphological changes of the verb phrase. In particular, changes in person-number suffixes are explained when auxiliary words in the conditional mood come with a verb. We also covered the semantic features of the auxiliary words that lead to the conditional tense. We have studied the morphological and semantic features of these auxiliary words based on Abu Yaqub Sakkoki's Miftahu-l-ulum. Sakkoki's approach to this is evidenced by the views of linguists before and after him.

Keywords: Sakkoki, “Miftahu-l-ulum”, verb, conditional mood, particle, morphology, meaning, person-number.

КИРИШ

Ёрдамчи сўзлар туркуми исм ва феълни боғлашга хизмат қилади. Феълдан олдин келиб, унга муайян синтактик таъсир кўрсатади. Бу ҳарфлар боғланиб келганда феълларда маълум ўзгаришлар содир бўлади ва бу, албатта, феъл маъносига таъсир этади. Феъл таркибидаги иккилик, кўплик II ва III шахслар, бирлик муаннас II шахсда «nūn»нинг тушиб қолиши, охириги ундошнинг ҳаракати сукун билан ўзгариши, иллатли ҳарфнинг тушиб қолишига олиб келувчи ёрдамчи сўзлар «жазм қилувчи ҳарфлар (الحروف الجازمة)», деб аталади. «Жазм» сўзи «кесиш», «ажратиш», «жазм қилиш», истилоҳда «феълни шарт майлида қўйиш» маъноларини ифода этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саккокий бу ҳарфларни алоҳида мавзу остида баён қилиб, “Мифтаҳу-л-улул” асарида уни «Ўзидан кейинги феълни жазм (шарт майли) да келтирувчи ҳарфлар (الحروف الجازمة)», деб номлаган [1: 42a]. Олим мавзунинг ёритилишини алоҳида тизим асосида амалга оширган. Бу мантиқийликка асосланган тизим ўқувчи маълумотларни осон ўзлаштириб олишига ёрдам беради. Саккокий айни пайтда мураккаб жиҳатларини қамраб олгани ҳолда мавзуни батафсил ёритган.

Мавзуни жазм қилувчи ҳарфлар сонидан бошлаб: «Ўзидан кейинги феълни жазм қилувчи ҳарфлар бешта бўлиб, икки турга бўлинади. Биринчи тури феълнинг ҳозирги замонда

бўлишини талаб қилади ва бундай ҳарфлар сони тўрттадир», деб ёзган [1: 42a].

Саккокийнинг ўзига хос мантиқийликка асосланган усули бўйича жазм қилувчи ҳарфлардан кейин феълнинг қайси шакли келаётгани эътиборидан тақсимланди. Шунингдек, тақсимотдаги иккинчи жиҳат Маҳмуд Замахшарийга эргашгани ҳолда асли ҳарф бўлган, шарт майлида келтирувчи сўзларни бир гуруҳ қилиб олди. Маҳмуд Замахшарий ҳам шарт майлида келтирувчиларни иккига бўлиб баён қилган, бири асли ҳарф бўлганлари бўлса, иккинчиси исм бўлганларидир [11: 205]. Ўзидан кейин келаётган феълни жазмда келтириб, уни ҳозирги замон шаклида келишини талаб қилувчи ҳарфларнинг сони тўртта эканлигини баён қилиб: «Шулардан биринчиси لم - феълнинг бўлишсизлик юқламаси бўлиб, уни шарт майлида келтиради», деб ёзган ва қуйидаги мисолни келтирган эди: زيدا أ لم أضرب (Зайдни урмадимми?) [1: 42a].

Мухаммад Хайр Ҳалвоний жазм ҳарфларини иккига бўлиб: «Бири ҳозирги замон феъл шаклидан олдин келиб, шарт маъносини бермайди, иккинчиси шарт маъносини бериб, иккита феълни шарт майли шаклида келтиради», деб ёзган [7: 102-105]. Бу олим шакл ва маъно эътиборидан тақсимлаган бўлиб, асли исм бўлган шарт маъносини берувчи сўзларни иккинчи гуруҳга киритган.

Саккокий биринчи келтирган لم ҳарфи мутлақ инкорни ифода этади [24: 1] b]. Ўтган замонда тугалланган, ҳозирги замонда умуман давом этмайдиган бўлишсизликни англатади. Мисол учун: لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ (У туғмаган ва туғилмаган зотдир. Ихлос сураси, 3-оят).

Али Жосим Салмон бу ҳарфдан кейин келаётган феъл тушиб қолиши, тушиб қолган феъл жумла давомидаги феъл маъносидан баён қилинишини айтиб, қуйидаги байтни мисол келтиради:

ظننت فقيرا ذا غنى ثم نلته فلم ذا رجاء ألقه غير واهب

(Бойлик эгаси бўлиб, фақир ҳисобладим ўзимни,

Сўнг бойликка эришдим, берувчидан бошқаси бўлиб, илтимос эгасига учрашмадим) [193: 01].

Саккокий, Замахшарий, Ибн Саррож каби араб тилшунослигида катта мавқега эга тилшунослар асли ҳарф бўлиб, шарт майлини

келтирувчи сўзлар тушиб қолмаслигини айтадилар. Ибн Саррож бу ҳарфларнинг хосликларини айтиб: «Агар тушириб қолдириш ихтиёр қилинса ҳам тушириб бўлмайди», деб ёзган [6: 156]. Али Жосим келтирган далилни инкор қилмаган ҳолда, Саккокий, Замахшарий, Ибн Саррож фикрлари кучли ҳисобланади. Али Жосим келтирган далил араб шеъриятида жуда ҳам кам қўлланадиган ҳолат ҳисобланади. Кўп ифодаланадиган ҳол бўлганида бошқа тилшунослар ҳам келтирган бўлишар эди.

Саккокий لم сўзи феълга ҳам маънога ҳам шакл жиҳатидан таъсир қилишини баён қилиб: «Феълнинг ҳозирги замон шакли билан келиб, унга ўтган замон бўлишсизлиги маъносини беради», деб ёзган [1: 42b]. Демак, бу ҳарф ҳозирги замон феъл шаклидан бошқа бир ҳолда келмайди ва ҳозирги ёки келаси замон маъноларининг бўлишсиз шаклини ифода этмайди. Бу хосликлари билан мазкур сўз араб тилида ҳозирги замон феъли белгиларидан энг ажралиб турадиган белги ҳисобланади. Саккокий бу сўзнинг тузилиши ҳақидаги қараши Фарро (Абу Закарийё Яҳё ибн Зиёд (144-207/ 759-822) фикрига таянганлигига ишора қилиб: «Бу ҳарфнинг асли Фарро (Аллоҳ раҳмат қилсин) фикрига кўра لا бўлиб, сўз охиридаги «alif» «mīm»га айлантирилган», деб ёзган [1: 42b]. Фарро фикрини Саккокий келтиришини маълум бир асосга эга эканлиги бўлса, яна бир ажойиб жиҳати ўзи Басра мактаби тарафдори бўлса-да, Куфа мактабининг машҳур вакилининг фикрини қўллаб-қувватлаши ҳисобланади.

Кейинги сўзга тўхталиб: «Иккинчиси لما - ўтган замонни бўлишсизлигини ифодалаб, феълнинг ҳозирги замон шаклини талаб қилади», деб ёзган [1: 42b]. لما сўзи ўзидан кейинги феълни ҳозирги замон шаклида келтириб, ўтган замон бўлишсизлиги маъносини ифодалаши لما сўзи билан бир хил. Лекин Саккокий айтганидек: «Бу ҳарф لم дан фарқли ўлароқ ўтган замондан ҳозиргача бўлган даврдаги бўлишсиз маъносини ифодалайди» [1: 42b]. Икки сўзнинг шакли талаб қилиши бир хил бўлса-да, маънодаги фарқи لما ўтган замон бўлишсизлигини таъкид ўлароқ ифодаласа, لما яқин ўтган замон бўлишсизлигини ифода этади. Яна бир маънодаги фарқли жиҳати لما билан келган феълдан бирор натижа кутилмайди, аммо لما билан келса, натижа кутиш мумкин,

мисол учун: لم اذهب إلى بيت جدي (бобом уйларига умуман бормадим), لما اذهب إلى بيت جدي (бобом уйларига ҳали бормадим).

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Андалусий шоир Мумаззақ Абдийнинг қуйидаги байтини келтиради:

فإن كنت مأكولا فكن خير أكل وإلا فأدركني ولما أمزق

(Гар бўлсам емиш мен, бўл энг яхши егувчи сен,

Бундай қилмасанг гар, қўлга кирит мени, бўлмасам бурдаланиб кетмайман ҳали)65 :7]].

لما сўзи яна қуйидаги вазифани бажариши мураккаб маъно хусусиятларига эга эканлигини кўрсатади. У истисноликни ифодалаб, لا ўрнида ва маъносида келиши мумкин, мисол учун: عزمت عليك لما فعلت (сен қилган ишингдан бошқасини сўрамайман) [7: 63-64]. Жумланинг асли عزمت عليك إلا فعلك шаклидадир.

Яна бир вазифаси حين (вақтида) маъносида келиб, ўзидан кейинги феъл фақат ўтган замонда келади348 :8]], мисол учун: لما كتبت هذه الرسالة دخل (бу хатни ёзиб бўлганимда отам кирдилар).

Шарт майлини талаб қилувчи кейинги юкламалар ҳақида Саккокий: «Учинчиси لا [буйруқ майлидаги феълга бўлишсизлик] (қайтариқ) маъноси бериб, уни шарт майлида келтиради», деб навбатдаги юклама ҳақида: «Тўртинчиси لام الأمر - [III шахс, I шахсни ифодаловчи буйруқ майлидаги феълларга қўшилувчи ҳарф]. Вазифаси феъл буйруқ майлида эканлигини билдиришдир», деб ёзган [1: 42b].

Навбатдаги шарт майлини талаб қилувчилар ўзи боғланган феъл билан боғланиб ёзилувчи юкламалар ҳисобланади. Бу юкламалар шакл жиҳатдан феълни шарт майлида талаб қилсада, маънода буйруқни ифода этади. Саккокий бу юкламалар оддий бўлгани, мураккаблик йўқ бўлгани учун юқоридагилар билан қифояланади.

Буйруқни ифодаладиган «lām» каттадан кичикка томон бўлса, у «буйруқни ифодаловчи «lām» (لام الأمر)», деб аталади. Кичикдан каттага бўлганда, у «дуони ифодаловчи «lām» (اللام الدعائية)», деб номланади [9: 53]. Қуръони каримда келувчи дуолардаги «lām» барчаси Аллоҳга илтижони ифода этади.

Биринчи тур ўзидан кейинги бир феълнинг ҳозирги замон шаклида бўлишини талаб қилгани ҳолда шарт майлида келтирса,

иккинчи турдаги шарт маъноси ифодаловчи юклама ўзидан кейин иккита феълни шарт майлида келтиради, замон шаклини шарт қилиб қўймайди. Бу ҳақда Саккокий баёни бошқа олимларнинг қарашларидан мухтасарлиги, ифода усули тушунарли айти пайтда мураккаб хусусиятларни қамраб олади. Олим иккинчи тур ҳақида: «Иккинчи тур феълнинг ҳозирги замон шаклини кўпроқ талаб қилувчи шарт юкласи бўлиб, у إن - (агар) шарт ва унинг жавоби учундир», деб ёзиб, қуйидагиларни мисол ўлароқ келтирган: إن تضرب أضرب (агар урсанг ураман); إن ضربت ضربت (агар урсанг ураман); إن ضربت أضرب (агар урсанг ураман) [1: 42b].

Бу бешинчи юклама бўлиб, алоҳида турни ташкил қилади. Саккокий бу юкламанинг ўзини алоҳида тур сифатида баён қилиши إن (агар) юкласи икки феълга таъсир этишидир. Бу юкламанинг аввалгилардан фарқли томонларидан бири мазкур юкламадан кейин феъл ўтган ва ҳозирги замон шаклларида келаверишидир – وَإِنْ كَانَتْ لَكَيْزَةٌ – гарчи у оғир бўлса ҳам. Бақара сураси, 143-оятдан; إِنَّ تَنْصُرُوا اللَّهَ – Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангиз, Аллоҳ сизларга ёрдам беради. Муҳаммад сураси, 7- оятдан). Юқорида Саккокий ҳам мисоллар билан мазкур юклама ўтган замон феъли билан келиши таъкидлади. Ибн Ҳожиб юклама ўтган замон феъл шакли билан келсада, маъноси келаси замонда бўлишини ёзган [3: 218]. Ибн Яъиш бу хусусиятларни инобатга олгани ҳолда мазкур юкламани «шарт майли юкламаларининг онаси [асоси] (أُمُّ حُرُوفِ الشَّرْطِ)», деб номлаган [2: 264].

إن: «Фикрини давом эттириб Саккокий агар урсанг ураман) шу мазмундаги) تضرب أضرب шаклида ҳам гапнинг иккинчи кесими إن Бу каби ҳолатда [b2келади], деб ёзган [1: 4 юкласи иккинчи феълга таъсир этмайди, бу шакл шарт эргаш гапнинг иккинчи кесими учун хосдир. Бу ҳолат ҳақида Саккокий: «зарурат [b2учун бўлади], деб ёзган [1: 4

Саккокийнинг бу фикрини Аҳмад ибн Ҳасан ибн Шуқайр қўллаб-қувватлаб, қуйидаги оятни далил ўлароқ келтиради: تَبَارَكَ الَّذِي إِنْ شَاءَ جَعَلَ لَكَ خَيْرًا مِنْ ذَلِكَ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَيَجْعَلُ لَكَ فُصُورًا (يجعل، يجعل) (Агар хоҳласа, сенга ўшандан яхшироғини – остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларни ва қасрларни қилиб

берадиган Зот баракотли ва улуғдир. Фурқон сураси, 10-оят). Бу оятдаги *يجعل* (қилиб беради) сўзи *إن* бошланган жумла таркибида келмоқда. Бу юклама хусусиятига кўра ўзидан кейинги феълларни шарт майлида келтириши керак. Ибн Шуқайр ҳамма қорилар *يجعل* шаклида ўқишини айтиб, машҳур олим Мужоҳид ва бир гуруҳ қорилар *يجعل* шаклида, яна бир гуруҳ қорилар *يجعل* шаклида ўқишларини ҳам келтирган [5: 173]. Бундай шаклларда келганда умумий маънога зид ёки кескин фарқ қилувчи маъно ҳосил бўлмайди.

Бу юклама иккита феълни шарт майлида келтирса, биринчи феъл шарт маъносида бўлса, иккинчи феъл жавоби ўлароқ келади. Ҳамма тилшунослар бу юкламадан кейин келаётган ҳар икки феълни шарт майли шаклида келишини таъкидлайди [4: 44]. Абдуқоҳир Журжоний бу юкламадан кейин бир жумлада бир феъл ўтган замон шаклида, иккинчи феъл ҳозирги замон шаклида, иккинчи феъл ўрнида ундан ҳосил бўлган аниқ нисбат сифатдоши келиши мумкинлигини ёзган [8: 10].

Шартни ифодаловчи асосий юклама тушиб қолиши ҳақида Саккокий ўзидан олдинги олимларга, жумладан, Маҳмуд Замахшарийга эргашгани ҳолда [11: 208] тушиб қолиш ўринларини санаб ўтган [қаранг: 1: 42b]. Мазкур юклама тушиб қолса-да, маънода акс этади.

Буйруқнинг инкорини ифодаловчи «*lām*» (*لام النهي*) дан кейин келаётган иккинчи феъл шарт маъносини ичига олади ҳамда *إن* юкламаси бўлмагани ҳолда шарт майлида келади. Масалан: *لا تجهل تقر* (жохил бўлма, [агар шундай бўлмасанг] муваффақият қозонасан). Маъно бўйича шаклда *لا تجهل تقر*, *إن لا تجهل تقر* бўлади.

Юқоридаги ҳолат бўйича Саккокий: «Шарт ҳарфи тушиб қолгани ҳолда феъл шарт майлида келади. Тушиб қолган ҳарф қайта тикланувчи ҳолатида бўлиши керак. Юқорида келтирилган бошқа ўринда номувофиклик келиб чиқадиган бўлса, ҳарф тушириб қолдирилмайди. Мисол: *لا تدن من الأسد يأكلك* (шерга яқинлашма, яқинлашмасанг еб қўяди) шаклида бўлса, тўғри ҳисобланмайди», деб ёзган [1: 42b].

Саккокийнинг юқоридаги фикридан бу ўринда маъно жиҳатдан тўғри келмаган ўринларда жумла мазмуни бузиладиган бўлса, бундай шакл қўлланмаслиги англаб олиш мумкин. Юқоридаги мисол сифатида

келтирилган жумла тилшунослари ўртасида машҳур бўлиб, Ибн Яъиш бу ҳақда: «*لا تدن من الأسد*» шакли нотўғри бўлиб, маънодаги шакли *لا تدن من الأسد* (шерга яқинлашма, яқинлашмасанг еб қўяди) бўлиб, бу тўғри бўлмайди», деб ёзган [2: 274]. Шунинг учун Саккокий: «Бирор киши бўлишсизлик билан шарт ўртасида номувофиклик бўлган ўринда шартни назарда тутмайди», деб ёзган [1: 42b]. Саккокий ушбу жумланинг тўғри ҳисобланувчи шаклини келтиради, у қуйидагича: «Тўғри [варианти]: *لا تدن من الأسد فإنه يأكلك*» шаклида бўлади» [1: 42b]. Жумла мазмуни: «Шерга яқинлашма, [бордию яқинлашсанг] сени у еб қўяди» бўлади. Шу маънони ифодалаш учун Ибн Яъиш фикрига кўра қуйидаги икки шаклда берса ҳам бўлади: бири *لا تدن من الأسد يأكلك*, иккинчиси [2: 274] *لا تدن من الأسد فيأكلك*.

Саккокийнинг «Хоҳиш-истак маъносидаги сўздан кейин» жумласига тўхталсак, бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: *لعل فاطمة تكبران تقرأ لنا القرآن* (шояд, Фотима ва Амина катта бўлса, бизга Қуръон ўқиб беради). Ушбу жумлада хоҳиш-истак маъносининг биринчи бўлагида келган феъл хабар майли шаклида турса ҳам, у шарт майли маъносида. Иккинчи бўлакдаги феъл шарт майли шаклида турса-да, хабар майли маъносида. Шарт майлида иккинчи феълнинг туриши Саккокий фикрига кўра тушириб қолдирилган *إن* юкламаси сабабидан ҳисобланади.

Биринчи келган гап бўлаги таркибида сўроқни билдирувчи сўз келса, кейинги феъл шарт маъносини ичига олгани, шарт юкламаси бўлмагани ҳолда шу майл шаклида келишини Саккокий юқорида санаб ўтди. Бунга мисол: *أين أبوك أزره* (отангиз қаердалар, бўлсалар зиёрат қиламан).

Жумла таркибида чорлаш-ундаш маъноларини акс эттирувчи юкламалар келса, улардан кейин келаётган иккинчи феъл шарт майлида келишига Саккокийнинг юқорида келтирилган «чорлаш-ундаш маъноларини акс эттирувчи юкламалардан кейин» фикри ишора ҳисобланади. Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: *ألا تبيرون والديكم تكونوا مسرورين* (ҳой, ота-онангизга меҳрибон бўлинг, икки дунёда шод бўласиз).

Юқоридаги ўринларда тушириб қолдирилган юкламани ҳисобга олган ҳолда

феълни шарт майлида келтириш асл маънода шарт борлигидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юклама бўлмаса ҳам, бешта ўринда феъл келганида шарт майлида келмоқда. Саккокий ўзига хос мухтасар услубда уларни санаб ўтди.

Саккокий фикрини давом эттириб: «Бўлишсизликнинг шубҳасини йўқ қилиш лозим бўлиб, шарти бўлишли бўлган ўринда шубҳага эга бўлган шарт назарда тутилмайди. Шунинг учун: (إن احمر البسر كان كذا -) агар хурмо қизарса, ундан-бундай бўлади, шаклида айтиш маъкул қўрилмайди», деб ёзиб, яна қуйидаги мисолларни келтиради: «إن طلعت الشمس أنك إلا في» (; إن مات فلان كان مustrasno кан-мустасно (агар фалончи ўлса, ундай-бундай бўлади)» [қаранг: 1: 42b]. Бундай шартлар тўғри эмаслиги ҳақида Саккокий: «бу шаклларда шубҳа лозим тутилиб, аниқ, маълум бир вақт қайси эканлиги айтилмаган», деб ёзган [1: 42b].

Саккокий бироз мураккаб бўлган ҳолатни баён қилиб: «Бу ўринларда феъл шарт жавоби маъноси учун, яширинмаган юкломани билдириш йўлида бўлса, иккинчи гап قطع - (кесик), استئناف - (янгидан бошланган)», деб номланади [1: 42b]. Саккокий бу ўринда шарт юкломаси иштирок этган, уюшиб келган шарт эргаш гапдан кейин келган шарт жавоби бўлувчи гап ҳақида баҳс қилмоқда. Мисол учун: وَإِنْ تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخَفُّوهُ يُحَاسِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ (агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қилади. Ва кимларни хоҳласа, кечирар. Бақара сураси, 284-оятдан). Ушбу оят Саккокий юқорида таърифда санаб ўтган хусусиятларга эга ҳисобланиб, فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ (Ва кимларни хоҳласа, кечирар) қисми Саккокий ишора қилганидек, «янгидан бошланган жумла (جملة استئنافية)», деб номланади. Саккокий фикрини давом эттириб: «иккинчи [кейин хабар майлида келаётган] гап صفة - (сифат), аниқ ҳолатда бўлса, حال - (ҳол)», деб аталади ва «бу ўринда сўз фақатгина марфуъ бўлиб келади» деб муҳим қонидани айтиб ўтган [қаранг: 1: 42b].

Ибн Ҳишом Ансорий يَرْثِي وَلِيًّا. يَرْثِي (бас, менга Ўз даргоҳингдан бир валий-ортдан қолгувчи бер. У менга меросхўр бўлсин. Марям сураси, 4-5-оятлардан) оятидаги يَرْثِي (У менга меросхўр бўлсин) сўзини «валий»нинг сифати эканлиги айтган [5: 84]. Шунинг учун Саккокий

юқорида «иккинчи [кейин хабар майлида келаётган] гап صفة - (сифат)», деб ёзган [1: 42b].

Саккокий бу ўринларни юқорида санаб, муҳим қонидани: «бу ўринда сўз фақатгина марфуъ бўлиб келади», деб таъкидлаган эди [1: 42b]. Ҳар икки ўринда феъл шарт майли юкломасидан кейин келса ҳам, шарт майлида келиш ўрнида хабар майлида (марфуъ) келмоқда. Бу маъно эътиборидан бўлиб, биринчи мисолда сифатловчи сифатланиб келгани учун, иккинчисиди иш-ҳаракат бажарувчисининг ҳолатини билдиргани учун шарт жавоби бўлмасдан хабар майлида келди. Бу каби ҳолатларда шарт майлида келмаслик қонидида зид ҳисобланмайди.

Саккокий кўпчилик олимлар эътиборидан четда қолган муҳим маълумот ҳақида: «Агар мазкур шаклларда от кесимли гап эгаси деб қаралса, бу ҳолатда иккинчи бўлак қуйидаги шаклларда бўлади: وَأَنَا أَضْرِبُكَ، ثُمَّ أَنَا فَأَنَا أَخْلَعُ عَلَيْكَ، وَأَنَا أَضْرِبُكَ» бу шакллардаги феъл кесим рафъ [хабар майлида] дадир», деб ёзган [1: 42b]. Биринчи бўлак бошда келгани сабабидан бош келишиқда келиб, мубтадо (от кесимли гап эгаси) бўлса, иккинчи бўлиб келаётган феъл хабар (от кесимли гап кесими) ўрнида келганлиги учун рафъда (хабар майлида) келади.

Шу ўринда إِنَّ юкломасининг синоними бўлган إِذَا нинг ундан фарқлари бор эканлигини айтиш ўринли ҳисобланади. إِذَا ҳам шарт маъносини ифодалаб, феъл олдидан келади. Абдуғани Дақр إِذَا: سؤزي пайт холи, баён қилиш, тўсатдан содир бўлиш маъноларини ифодалайди», деб айтган. Шунингдек, إِنَّ бўлиши мумкин ва мумкин бўлмаган ҳодиса маъносиди келса, إِذَا бўлиши аниқ ҳодиса олдидан келади [қаранг: 9: 23-24]. Мисол учун: إِنَّ تَعْطِ كِتَابَكَ أَكُنْ مَسْرُورًا (агар китобингни берсанг, хурсанд бўламан). Ушбу мисолда китобни бериши ҳам мумкин, бермаслиги ҳам. Агар шу жумла إِذَا билан ифодаланса, унда бериши аниқ бўлади, яъни: إِذَا أُعْطِيتَ كِتَابَكَ كُنْتُ مَسْرُورًا шаклида бўлади. Яна бир фарқ қилувчи жиҳати إِذَا дан кейин кўп ҳолларда ўтган замон феъл шакли қўлланади [9: 24].

Саккокий шарт эргаш гапли қўшма гапларда кенг қўлланувчи فَ – («fā») ҳақида фикр билдириб: «Боғловчи вазифасидаги فَ – «fā»нинг хусусиятларидан бири шартнинг иккинчи бўлагиди келишидир [шарт эргаш

гапнинг бош гап таркибида]», деб ёзган [1: 42b]. Бу боғловчи сўз бош гап такибида келиб: «Юқорида зикр қилинганидек, иккинчи бўлакдаги феъл буйруқ, қайтариқ (буйруқнинг бўлишсизлиги) ёки ўтган замон шаклларида бўлиб, келаси замон маъносини бермаса, иккинчи бўлак от кесимли ёки исм билан бошланган гап бўлса, ف - «fa» иккинчи бўлак бошида келади», деб айтган эди Саккокий [1: 42b].

Саккокий юқоридаги фикрида ушбу юклама қайси ҳолларда келишини санаб ўтмоқда. Ушбу юклама шарт эргаш гапга бош гап от кесимли гап шаклида жавоб бўлса, албатта, от кесимли гап олдидан ушбу юклама келади. Миосл учун: *إن تعلمك شيئا فهو عالم هذا* (агар сенга у бирор нарсани ўргатса, у буни билувчидир). Шу сабабли Саккокий: «иккинчи бўлак от кесимли гап бўлса», деб айтди [1: 42b].

Бош гап бир шаклга эга феъл (الفعل الجامد) билан бошланса, бунга ҳам мазкур юклама қўйилади. Мисол учун: *إِنْ تَرَنْ أَنَا أَقَلَّ مِنْكَ مَالًا وَوَلَدًا*. (агар мени мол-дунё ва бола-чақа жиҳатидан кам деб билсанг, шояд Роббим менга сенинг боғингдан яхшироғини берса. Кахф сураси, 39-40-оятлардан). Ушбу оятда иккинчи жумла феъл билан бошлангани учун мазкур юклама унинг олдидан келган.

Бош гап буйруқ феъли билан бошланганида ҳам ушбу юклама қўйилишига ишора қилиб, Саккокий: «феъл буйруқ [бўлса]», деб ёзади. Мисол учун: *قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ* (агар сизлар Аллоҳни севадиган бўлсангизлар, менга эргашинглар, [шунда] Аллоҳ сизларни севади. Оли Имрон сураси, 31-оятдан).

Саккокийнинг «қайтариқ (буйруқнинг бўлишсизлиги) феъли бўлса» сўзини қуйидаги мисол билан тушуниш янада осон бўлади. У: *إِنْ لَا تَفْعَلْ خَيْرًا فَلَا تَفْعَلْ شَرًا* (яхшилиқ қилмасанг, ёмонлик ҳам қилма). Ушбу мисолда иккинчи феъл қайтариқ юкламаси билан келганлиги учун ҳам, унинг олдидан мазкур боғловчи қўшилди.

Агар бош гапдаги феъл ўтган замон шаклида бўлса ҳам, мазкур юклама қўшилиши мумкинлигини Саккокийнинг «ўтган замон шаклида бўлса» жумласи билдириб келмоқда. Мисол учун: *إِنْ يَسْرِقْ فَقَدْ سَرَقَ أَخٌ لَهُ مِنْ قَبْلُ* (агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди. Юсуф сураси, 77-оятдан). Ушбу

оятда *سَرَقَ* (ўғирлаган) сўзи феълнинг ўтган замон шакли бўлгани учун ҳам унинг олдидан мазкур юклама келди.

ХУЛОСА

Саккокий мавзуни ўзига хос бўлган, бошқа олимларда кузатиш бирмунча қийин ҳисобланган мантикий тизимга эга бўлган усулда баён қилди. Мазкур юкламаларни ёритишда ўзидан олдинги олимлар қарашларига таянган ҳолда ёритди. Далил келтириш лозим деб билган ўринларда араб шеърятдан намуналарни мисол келтирди. Мантикийликка асосланган ўзига хос усулда мавзуни таҳлилий баён қилиш Саккокийнинг ютуғи, бошқа тилшунослардан ажратиб турадиган афзаллик жиҳати ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Яъқуб Саккокий. Мифтоҳ ал-улум. – Анкара: Milli Kütüphanesi. Қўлёзма рақами 26 Нк 192. – 244 в.
2. Яиш ибн Али Мавсий. Шарҳ ал-муфасссал. – Байрут, 2001. – 584 б.
3. Усмон ибн Ҳожиб. Амолӣ ибн ал-Ҳожиб. – Уммон: Дор Уммон, 1970. 969 б.
4. Қосим ибн Али Басрий. Мулҳату-л-иъроб. – Жидда: Матбаат Асъад Муҳаммад, 1985. – 48 б.
5. Жамолӣддин ибн Ҳишом Ансорӣ. – Дамашк: Қатру-н-нада ва баллу-с-сада, 1990. – 352 б.
6. Муҳаммад ибн Саҳл. Ал-Усул фи-н-наҳв. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – 464 б.
7. Муҳаммад ал-Ҳалваний. Ал-Водиҳ фи-н-наҳв. – Байрут: Дор ал-Маъмун ли-т-турос, 2000. – 355 б.
8. Абдуқоҳир Журжонӣ. Шарҳ миат омил. – Карачи: Мактабат ал-Бушро, 2011. – 124 б.
9. Абдурахмон ибн Муҳаммад. Ҳошият ал-ажрумия. 1988. – 121 б.
10. Али Жасим Салмон. Маоний ал-ҳуруф ал-арабия. – Уммон: Дор Усома, 2003. – 257 б.
11. Маҳмуд ибн Умар. Ал-Муфасссал фи санъати-л-иъроб. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2013. – 359 б.